

У қандай ҳам ёмон борар жой!



11:09 / 26.02.2019 4068

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿الْمَصِيرُ وَيَسَّ جَهَنَّمَ عَذَابُ رَبِّهِمْ كَفُرُوا وَالَّذِينَ

«Ўз Роббларига куфр келтирганлар учун жаҳаннам азоби бордир ва у қандай ҳам ёмон борар жой!» (6-оят).

Демак, жаҳаннам фақат шайтонлар учунгина эмас, балки хоҳ инсон бўлсин, хоҳ жин бўлсин, ҳар бир кофир учун тайёрлаб қўйилган экан. У, албатта, қайтадиган жойнинг энг ёмони эканида шубҳа йўқ.

Кейинги оятларда жаҳаннамдаги азоблар, даҳшатлар ва ҳодисалар батафсил васф қилинади.